Молия вазирлигининг ўртача муддатли қ арз мажбуриятлари (ноталари) хазина чипталаридан фарқ ли ўлароқ , чегирма билан сотилмайди. Бундан ташқ ари, улар бўйича фоизли тўловлар мажбуриятлар тугагандан сунг эмас, балки ярим йилликлар бўйича амалга оширилади. Ярим йиллик туловларнинг миқ дори (кўпон ставкаси) заём чиқ ариш шартлари орқ али белгиланади. Муддат тугагандан сўнг охирги фоиз тулови мажбуриятининг номинал қ иймати билан бирга туланади. Федерал бон эгалари (узоқ муддатли мажбуриятлар) одатда ҳ усусий инвесторлар эмас, балки турли хил давлат муассасалари, тижорат банклари, ссуда сақ ловчи ассоциациялари, суғ урта компаниялари, маҳ аллий хокимиятлар ва ҳ орижий инвесторлардир.

Муниципалитетларнинг қ арздорлик мажбуриятлари- штатлар ҳукумати ва маҳ аллий ўз-ўзини бошқ арув органлари томонидан чиқ ариладиган қ имматли қ оғ озлардир. Ушбу қ имматли қ оғ озлар кўпроқ ижтимоий йўналиш касб этади, улар юқ ори даромадли булмайди.

Айрим хиссадорлар муниципал мажбуриятларини тарақ қ иётнинг маҳ аллий лойиҳ аларни молиялаш учун сотиб олади. Кўплаб инвесторлар эса уларни шунинг учун сотиб оладики, муниципал облигациялардан келадиган даромадлар одатда федерал солиқ дан озод қ илинади, баъзан маҳ аллий солиқ лардан ҳ ам озод қ илинади.

Ишончлигига қ араб корхона облигациялари (дебентурлар) сақ ланувчи (закладной) ва сақ ланмайдиган бўлади. Сақ ланувчи облигациялар корхонанинг жисмоний ва пул активлари – эмитент томонидан махсус ҳ ужжат – закладной оркали таъминланади. Бу ҳ уқ уқ ий ҳ ужжат корхонанинг, яъни эмитентнинг розилигини тасдиқ ловчи ҳ ужжат бўлиб, ушбу облигацион заём бўйича қ арз туланмаса, у ўзига тегишли мулкани (еки ерни) сотиш ҳ уқ уқ ига эга. Бу закладной банкда ёки депозиторийда сақ ланиши мумкин. Закладной операцияларининг бир неча хили мавжуд.

Дастлабки сақ лашга қ ўйиладиган облигациялар фирманинг қатта қ имматли қ оғ озлари ҳ исобланади. Улар асосий капитал миқ дорида чиқ арилади. Дастлабки сақ лашга қ ўйиладиган облигациялар муомалада булса, корхона иккиламчи сақ ланадиган облигацияларни чиқ ариши мумкин.

Конвертирланган облигацияларга киритиладиган инвестицияларнинг ўз- ўзини қ оплаши қ имматли қ оғ озларни химоя қ илиш даражасини характерловчи муҳим курсаткичдир. У облигацияларга бўлган даромад конверсия бахосида таклиф қ илинадиган мукофотни қ оплаш керак.

Умумий курунишда ўз ўзини қ оплаш даври ҳ исоб китоби қ уйидагича булиши мумкин:

Т қ Р : (Д - Дк), бунда Р – конверсия бахосидаги мукофот (алмашинадиган ацияларнинг бозор қ ийматиға нисбатан фоиз ҳ исобида).

Д - ушбу акциялар бўйича туланадиган дивидент:

Д – конвертирланган облигациянинг даромадлилиги.

Ҳ ар қ андай облигацияларнинг инвестицион сифатини баҳ олашда уларнинг даромадлилигини аниқ лаш муҳимдир.

Облигацияларга воситалар киритишнинг даромадлилиги ёки қ улайлилиги анча ўзгариши мумкин. У кўп жихатдан заём капиталининг бозор қ иймати билан

боғ лик . Энг аввал бу тебранишлар банк кредитидан фойдаланишнинг фоиз ставкалари ўзгариши билан боғ лик . Бозор ҳ ар доим барча турдаги заём ва банк васиталари, облигацион заёмлар қ ийматини тенглаштиришга интилади.

Банк ставкаси- ўзгарувчи, кўпон ставкаси эса аввалдан муайян муддатда қ айд қ илинган бўлгани учун ушбу мослаштириш облигациянинг бозор баҳ осини ўзгатириши ҳ исобига бўлади.

Агар банклардаги кредит ставкалари камайса, унда аввал белгиланган юқ ори ставкаларда облигацион заёмларга маблағ (воситалар) киритиш инвестор учун анча қ улайлик туғ диради.

Ш унинг учун облигацияларнинг даромадлилиги фақ атгина кўпон ставкаларига эмас, облигацияларнинг ўзининг бозор қ иймати ўзгаришига ҳ ам боғ лик . Облигациялар даромади белгиланган фоиз миқ дорида олинадиган инвестициялар (фойдаланилган даромад) ёки инвестициялар қ ийматининг (бозор бахоларининг) ўзгаришидан келадиган даромад вужудга келади.

Облигациялар бўйича ушбу икки хил даромад фақ атгина қ улай вазият вужудга келган пайтдагина нисбатан мустақ ил мавжуд бўлади.

Облигациялар бўйича даромаднинг уч хил тури мажуд:

- номинал даромад ёки кўпон ставкаси бўйича белгиланадиган фойдаланилган даромад;

- облигацияларнинг бозор баҳ осининг ўзгаришини ҳ исобга оладиган жорий даромад ставкаси бўйича белгиланадиган жорий даромад;

- қ арздан кечиш пайтида олинаши мумкин бўлган, бино ставкаси бўйича белгиланадиган умумий ёки ваъда қ илинадиган даромад.

Кўпон ставкаси бўйича хар йили туланадиган сумма сифатида белгиланадиган номинал бўйича даромад облигацияларининг бозор қ иймати ўзгаришини билдирмайди. Бу ҳ исоб китоб облигациялар биринчи марта эмиссия қ илинганда уларнинг инвестицион сифатини бахолашда қ ўлланилади. Иккиламчи бозорда эса ушбу ҳ исоб китоб ўз мазмунини йуқ отади, яъни облигацияларнинг бозор баҳосини белгилайдиган омиллар харакатга келади. Бундай пайтда облигацияларнинг жорий даромадлилиги зарур. Ж орий даромадлилик ставкаси йиллик кўпон туловларининг жорий бозор баҳосига муносабати сифатида аникланади. Ҳ усусан, ҳ исоб китоб формуласи қ уйидагича ифодаланади.:

$$C \text{ ж } \text{қ} \frac{Cк}{\text{Кр. об.}} \text{ ёки } C \text{ ж } \text{қ} \frac{I \cdot \%}{\text{Кр.об}}$$

Бунда:

Сж- жорий даромадлилик ставкаси;

Ск — кўпон ставкаси, кўпон даромадининг йиллик ставкаси;

I - облигацияларнинг номинал қ иймати;

% - облигацияда курсатилган даромадлилик фоизи;

Кр. об.- бозор баҳ осини (облигация курси).

Агар облигациялар номинал баҳ ода сотилса, унда табиийки, унинг жорий даромадлилиги даромад миқ дорида тенг бўлади.

Бозорда муомала мавжуд бўладиган қ арздорлик мажбуриятларига депозит (жамгарма) сертификатлари ҳам киради. Улар банк ёки бошқа кредит муассасаларининг муайян суммадаги пул воситаларининг омонати ҳақидаги ёзма гувоҳнома (пул ҳужжати) ҳисобланади. Омонат эгаси, унинг ҳақиқий вояси томонидан муайян муддат тулангандан кейин омонат ва унга қўшимча фоизни олиш ҳуқуқи беради.

Банкнинг ундаги депозит миқдорини тўлаш бўйича мажбурияти ҳисобланадиган сертификат дейилади. Депозит сертификати Ўзбекистон ҳудудида рўйхатда турадиган ҳуқуқий шахсларгагина берилади.

Худди шунга ўхшаш ҳужжат – банкнинг ундаги жамгарма сертификати дейилади. Жамгарма сертификати фақатгина фуқароларга берилиши мумкин.

Депозит (жамгарма) сертификатлар облигациялардан шуниси билан фарқ қиладики, уларнинг эмиссиясидан келадиган воситалар халқ хўжалигида тўғридан-тўғри инвестициялар була олмайди, балки кредит муассасалари учун ссуда капитали манбаи ҳисобланади, шу сабабли хўжалик оборотига кредит тизими орқали қўшилади.

Инвесторлар учун у икки босқичли қайтариш ва шунга мос равишда кам миқдордаги даромадни билдиради.

Сертификатлар бир марта ҳамда бир неча серияли тарзда чиқарилади. Улар бир кишининг номида (корхона номида) ёки курсатиш учун чиқарилади. Улар сотилган товар ёки курсатилган хизмат учун ҳисоб китоб ёки тулов воситалари ҳисобланмайди.

Сертификатлар муддати ёки талаб қилиб олгунча бўлади. Муддатли депозит сертификатлар бўйича муомала муддати бир йил билан чекланади. Жамгарма сертификатларининг муомала муддати Республика Марказий Банки билан махсус келишилган ҳолда бир йилдан ошиши мумкин. Агар сертификат бўйича депозит ёки омонат олиш муддати узайтирилса, бундай сертификат талаб қилиб олувчи ҳужжат ҳисобланади. Унга кўра банк омонатчининг биринчи талаби билан тегишли суммани тўлаш мажбуриятини олади. Муддати сертификат унда кўрсатилган муддат ўтганидек узилиши керак. Аммо бундай сертификат эгаси уни курсатилган муддатидан олдин суммасини талаб қилиши мумкин. Бу ҳолда унга муддатли сертификатларнинг номинал қиймати ҳамда сертификатга эгаллик қилган барча йиллар учун тулиқ ҳолда камайтирилган фоизлар туланади. Камайтирилган фоиз миқдори шартнома асосида аввалдан депозит бадали туланганда белгиланади.

Муддатли сертификатни олиб сотганда унинг эгаси харидорга муддатдан олдин узиш шартлари ҳақида ахборот беради.

Кредит муассасалари томонидан депозит сертификатларини сотишдан келадиган ресурслар уларни юритишнинг хўжалик мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқади. Бу воситаларнинг бир қисми банкнинг резерв фондига унинг талаб қилиб олинадиган сертификатларни узишда тўлашга қўбиллигини таъминлаш учун қайтарилмади.

Республикамизда ҳар қандай турдаги сертификатлар кредит муассасасининг бутун мулки орқали таъминланади. Харидорлар томонидан

депозит сертификатларга қўйилган (уларга туланадиган фоиздан ташқари воситалар оборотидан келадиган даромадлар эмитентнинг хўжалик фаолияти натижаларига мансубдир ва улар белгиланган тартибда тақсимланади.

Хозирда амал қилаётган сертификатлар қўйидаги мажбурий реквизитларга эга: қимматли қўғоз сертификатнинг номи, уни чиқарган муассасанинг номи, манзили, депозит ёки жамғарма омонотининг миқдори ва қўйган вақти, фоиз ставкаси, омонат ёки депозитни олиш вақти, омонат эгасининг номи, банкнинг депозит ёки омонатни қайтариш мажбурияти, икки томон вакилининг имзоси, муҳр.

Ана шу реквизитлардан бирортаси қўлиб кетса, сертификат ҳақиқий ҳисобланмайди. Сертификатни чиқарган банк (кредит ташкилоти) унга мажбурий реквизитлар мазмунига мос келадиган қўшимча реквизитлар ҳам киритиши мумкин.

Сертификатларни сотиш унга бўлган талабгорлик ҳуқуқидан чекиниш йўли билан амалга оширилади. Номли сертификат бўйича талабгорлик ҳуқуқидан чекланиш икки томонлама келишуви сертификатнинг орқаси томонида, шунингдек бу ҳуқуқларни сотиб олувчининг ҳам имзоси булиши шарт. Депозит сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқи тегишли ҳуқуқий шахс томонидан вакил қилинган иккита шахс орқали имзоланиб, ҳуқуқий шахснинг муҳри билан тасдиқланади.

Ҳар бир ҳуқуқни сотиб олувчи тўғрисидаги шартнома цедент билан рақамланади ва тегишли тарзда расмийлаштирилади. Шунингдек қўйиб олиш керакки, банк депозит бўйича тулов муддати яқинлашгач талаб ҳуқуқидан қайтадан, номли сертификатда омонат эгасининг вакиллари имзоси, муҳр ҳам текширилади.

Хозирги даврда депозит сертификатлари бозори структурасида етакчи банклар сертификатлари Россия Федерацияси ва Украинада 95% бўлса, Ўзбекистонда ушбу курсаткич анча паст. Шубҳасиз, қимматли қўғозларнинг ушбу тури кейинчалик ўзига муносиб ўрнини топади.

Қимматли қўғозлар тизимида акциялар катта урин эгаллайди. Қимматли қўғозларнинг ушбу тури бозордагина эмас, балки ҳар қандай портфелда, ҳамма жойда маълум ва машҳур бўлиб, инвестицион капитални жалб қилишнинг муҳим манбаидир. Шу билан бирга Ўзбекистонда фонд бозорида акцияларнинг ролини ортқача барттириш мумкин эмас, чунки бозор эндигина шаклланимоқда, унинг устига қимматли қўғозларнинг иккиламчи обороти мавжуд эмас. Худди шундай шароитда акциялар ўзининг энг муҳим афзаллигини — қарзини ўзиш ҳусусиятини йўқотади. Натижада ҳам инвестиция ҳам эмиссия тавақалчилиги анча ошади.

Ҳуқуқий ҳужжат бўлмиш акциялар қимматли қўғозлар бозорида энг мураккаб иқтисодий муносабатларни бошқаради, уларнинг бир маромда қўлланилиши ривожланган бозор инфраструктураси орқали таъминланади.

Акциялар нима?

Акциялар жамоа мулкига асосланган ёки давлат мулкини тула хўжалик асосида юригадиган хиссадорлик жамиятлари, корхона ва ташкилотлари, тижорат банклари, кооператив ва бошқа муассасалар томонидан чиқариладиган,

амал қилиш муддати аниқ белгиланмаган, ривожлантириш мақсадида воситалар киритишни тасдиқлайдиган (хиссадорлик жамиятига аъзолик, уни бошқаришда иштирок этиш) ҳамда унинг эгасига корхона фойдасининг бир қисмини дивиденд шаклида олиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоздир.

Шу тариқа акцияларнинг урта асосий ҳусусияти мавжуд: муддатсизлик, акция эгасининг инвестицияда туғридан-туғри иштирок этиши; ҳўжалик фаолияти натижаларига кўра киритилган сармоёга даромад олиш ҳуқуқини.

Акциялар эмитентларнинг мезонига кура туркумланади: хиссадролик жамиятлари акциялари, меҳнат жамоаларининг акциялари. Акциялар номли ва курсатиш (на предъявителя) учун чиқарилади.

Хиссадорлик жамиятлари акциялари ҳам уз навбатида улар эгаларининг мулкни бошқаришдаги иштирокига қараб икки хил бўлади: оддий ва афзаликка эга бўлган.

Акцияларни туркумлаш тасвирини қуйидагича тарзда кўрсатиш мумкин:

Акциялар	Афзаллиги кучайтирилган
Хиссадорлик жамиятлари акциялари	ОДДИЙ
Корхоналар акциялари	Курсатиш учун (на предъявителя)
Меҳнат жамоалари акциялари	НОМЛИ

Акциялар махсус банкларда чиқарилади, у ҳам бошқарувчиларга ухшаш махсус ҳисса воситаларига эга: эмитентнинг расмий номи, манзили, қимматли қоғоз - [Акция]нинг номи, унинг тоифаси, тартиб рақами, чиқариш вақти, номинал қиймати, акция эгаси номи, устав фонди ва ушбу нашрдаги акцияларнинг сони, дивидендлар туловининг даврийлиги, корхона раҳбари- эмитентнинг ёки унинг вакилининг имзоси.

Айрим турдаги акцияларнинг ҳусусиятларига муфассал тухталамиз. Ҳусусан, хиссадорлик жамиятлари акциялари. Ушбу қимматли қоғозлар эгасининг хиссадорлик жамиятининг ҳусусий воситалардан муайян улушини ҳамда жамият фаолиятдан келадиган муайян даромад олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Акцияларда қайд қилиниши мумкин бўлган яна бир ҳуқуқ бор - акция эгасининг корхона фаолиятини бошқаришдаги иштироки ҳуқуқини.

Афзаликка эга бўлган акциялар фақат номли чиқарилади, улар асосан хиссадорлик жамиятлари ходимлари орасида тарқатилади ва иккиламчи бозорга

кирмайди. Республикамизда ушбу акцияларни чиқ ариш механизми хали яхши ишлаб чиқ илмаган. Аммо бу борада халқ аро тажриба тупланган. Бундай акциялар қ айтариладиган акциялар шаклида чиқ арилиши мумкин. Қ айтариладиган деганда эмитентнинг ушбу акцияларни сотиб олиш орқ али чакириб (кайтириб) олиши тушинилади. Сотиб олиш учун махсус сотиб олиш фонди барпо қ илинади, сотиб олиш бутунлай ёки қ исман тарзда амалга оширилади. Қ айтариладиган акцияларни сотиб олиш эмитентни восита (маблағ)нинг ортиқ ча туриб қ олишдан сақ лаш учун амалга оширилади.

Афзаллиги оширилган акциялар конвертирланган тарзда хам чиқ арилиши мумкин. Бу шуни билдирадики, ушбу акцияларнинг эгалари уша хиссадорлик жамиятининг оддий акцияларига хам алмашишлари мумкин. Бундай акцияларни конверсиялаш хуқ уқ ини амалга ошириш акция эгасининг хоҳ ишига боғ лиқ .

Хиссадорлик жамиятларининг кўпчилик акциялари оддий акциялар тарзда чиқ арилади – улар ишлаб чиқ аришни ривожлантириш билан узвий боғ лиқ , бошқ ача айтганда, улар иккита функцияни ўзида бирлаштиради: ишлаб чиқ аришни ривожлантиришга мулжалланган инвестицион капитал базаси х амда корхонани бошқ ариш шакли х исобланади.

Оддий акция эгалари хиссадорлик жамияти эгалари х амда унинг дастлабки сармойсини киритувчилар х исобланади. Уларнинг манфаатлари фақ атгина киритилган капитал учун даромадларни кутаришгагина эмас, балки корхонани ривожлантириш учун сармойни ўстиришга хам қ аратилади. Бунда улар узларининг дастлабки сармойларини кўп марта кўпайтиришлари мумкин ва аксинча, агар корхона синса, улар хамма нарсадан ажралиб қ олишлари мумкин.

Оддий акция эгалари уларга фақ атгина сармоя эгасида мавжуд бўлган муайян имкониятларни беради. Бу имконият энг аввал даромад олиш имкониятлари бўлиб, унинг миқ дори хўжалик фаолияти натижаларига бевосита боғ лиқ дир.

Кўплаб хиссадорлик жамиятлари оддий акциялар бўйича дивидендларни мунтазам тулаб туришга, бундай мақ садлар учун йуналтирилган соф фойда хиссасини сақ лаб қ олишга интилади. Дивиденд хар кварталда, йилда икки марта туланиши мумкин. Оралиқ дивиденд жамият директорлар Кенгаши томонидан ўтган квартал (ярим йил, йил) бўйича битта оддий акция х исобига туланади. Битта оддий акцияга якуний дивиденд миқ дори хиссадорларининг умумий йиғ илиши томонидан йил якунларига кура директорлар Кенгаши таклифи бўйича оралиқ дивидендлар тўлашни х исобга олган холда белгиланади.

Дивиденд ёки хиссадорлик жамияти томонидан (унинг кассаси орқ али), ёки банк, ёки инвестицион фирма томонидан эмитентнинг топширигига кура чек билан тулов қ айдномаси, почта (телеграф)дан ўтказиш орқ али туланади.

Табийки, оддий акцияларнинг хаммаси хам инвесторларнинг умидини оллайвермайди. Ш унинг учун уларни синчиклаб тахлил қ илиш ва танлаш керак. Бу тах лилнинг манбаи хиссадорлик жамиятларининг ахволи тўғ рисида босилиб чиқ адиган маълумотлардир.

Шундай қилиб, биз кўриб ўтган хиссадорлик жамиятининг акциялари (оддий ва афзалликка эга бўлган) бир биридан даромадлиги ҳамда мулкни бошқаришдани иштироки даражаси билан фарқ қилади.

Республикамизда хиссадорлик жамиятлари акцияларидан ташқари меҳнат жамоаларининг ҳам акциялари чиқарилиши мумкин. Уларнинг фарқи шундаки, улар мулк мақомига эга эмас. Уларни сотиб олиш эгасининг ишга сармоя сарфлаб, фойда эвазига ушбу сармоени кўпайтириш, шунингдек, бошқаришда иштирок этишни билдирмайди.

Бундан ташқари, меҳнат жамоасининг акциялари учун чиқарган корхона ходимлари ўртасидагина эмас, балки айрим шахслар ўртасида ҳам (номли) тарқатилиши ва бир шахсдан бошқасига берилиши мумкин эмас. Меҳнатига кура ушбу акциялар бозор қимматли қоғозлари арсеналига кирмайди, улар бозор оборотидан чиқарилган. Ушбу акцияларнинг чиқарилиши иқтисодий эмас, балки кўпроқ социал психологик аҳамиятига эга, улар меҳнаткашларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Корхона акцияларини барча хўжалик субъектлари: давлат, ижара ва бошқариш корхоналари чиқариши мумкин. Ушбу турдаги қимматли қоғозларнинг мазмунини специфик ҳамда усусиятларга ва чекланишларга эга.

Биринчидан, ушбу акциялар мулкчилик ҳуқуқига эга эмас, улар бошқариш ишида ўз эгаларига овоз бериш ҳуқуқини кафолатламайди. Уларнинг эгалари киритган сармоя учун даромад олишга ўз эътиборини қаратади, аммо ушбу даромад орқали бошқариш ишларига таъсир курсата олмайди.

Иккинчидан, корхона акциялари фақат ҳуқуқий шахслар ўртасида тарқатилади.

Учинчидан, корхоналарнинг акцияларини мулкчилик ҳуқуқини ўзгартирмай чиқаришга интилишлари ҳар доим ҳам инвесторнинг ушбу акцияларни сотиб олиш истагига мос келмайдими. Мутаносибликка эришиш учун эмитент махсус шарт шароитлар ва кафолатларни ишлаб чиқиши, маълум миқдорда маблағ сарфлаши керак. Ушбу харажатлар қимматли қоғозларни жойлаштириш афзалликлари орқали қоплиниши лозим, акс холда эмиссия ўз иқтисодий мазмунини йўқотади.

Иқтисодий фаолиятнинг ҳамарҳил соҳаларида акциялар чиқариш ва уларнинг иқтисодий муносабатларини мустаҳкамлашдаги ўрни кўп жихатдан бозорга кириш босқичида мавжуд хўжалик субъектларини акционерлаштиришга боғлиқ. Бу ҳақида ушбу маъруза матнининг кейинги мавзуларида муфассалроқ тўхталиб ўтамиз.

Таян сўзи ва иборалар: таҳлил, тижорат банклари, фонд бозори, ўз маблағларини бошқариш, ташкилотлар, қимматли қоғозлар сиёсати, ҳамда хиссадорлик жамиятлари ва уларнинг турлари.

Назорат саволлари:

1. Фонд бозорининг моҳияти ва мақсади?
2. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозларнинг туркумланиши?
3. Худудий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

4. Қайта шакланаётган корхоналар инвестицияларига молиявий ресурсларни йуналтириш механизми қандай?

Мавзу 5. Молиявий режалаштириш

Режа:

1. Молиявий режалаштириш ва назорат—бошқариш тизимининг муҳим элементи сифатида.

2. Молиявий режа ва униг турлари.

3. Ситуацион таҳлил ва башоратлаштириш усуллари.

Кенг маънода ҳар қандай бизнесни ташкил қилиш, бошқаришнинг ҳар қандай шаклини уз ичига олувчи ижтимоий иқтисодий тизимнинг изоҳи ва узида бошқаришладиган тизим элементларига бошқарувчи тизим элементларини мақсадли йуналтирилган, тизимли ва узлуксиз таъсир этиш жараёнидир.

Молияни бошқаришни шакллантирувчи ташкилий - тузилмавий аппаратга молиявий аппарат дейилади. Молия тизимининг барча соҳа ва бўғинларида, мақсад қилинган натижага эришиш учун молиявий бошқарув субъектларидан ўз йуналишлари бўйича самарали фойдаланилади. Бироқ, улар учун молиявий бошқарувнинг умумий услуб ва қоидалари мавжуддир. Ҳаммадан, молияни бошқаришда бир нечта умумий ҳусусиятга эга бўлган функционал элементлар мавжуд:

1. Режалаштириш;

2. Оператив бошқариш;

3. Назорат.

Молияни бошқариш функционал элементлари ичида асосий ўринни режалаштириш ташкил қилади. Чунки айнан режалаштиришда субъект ҳар томонлама ўзининг молиявий ҳолатини баҳолай олади, яъни молиявий ресурсларнинг қандай ҳолатдалиги, қандай курсаткичлар молиявий ресурслардан устивор аҳамиятга молик бўлган йуналишларда фойдаланилиши ва ҳ.к.

Оператив бошқариш бу - минимал харажат қилиб максимал самарага эришиш ва молиявий ресурсларни юқори самара олиш учун қайта тақсимлашга қаратилган комплекс ишлар йиғиндиси. Оператив бошқариш эгилувчанлик ҳусусиятига эгадир.

Нazorat — бошқарув элементи сифатида бир ватнинг узида молияни режалаштиришда ҳамда оператив бошқаришда қўлланилади. Назорат ҳақ икки натижа билан режадаги курсаткичларни таққослашга ёрдам беради, молиявий ресурсларни ўстириш йўллари курсатади ва улардан самарали ҳўжалик юритиш йўллари курсатиб беради.

Молиявий бошқаришда стратегик ва оператив бошқариш бир биридан фарқ қилади. Стратегик бошқариш мақсадли дастурларни реализация қилишда молиявий ресурслар ҳажмини аниқлаш, истикболдаги молиявий башорат қилиш орқали молиявий ресурсларни аниқлашни ўзида акс эттиради.

Молияни бошқариш шартли ҳолатда умумий бошқарув ва оператив бошқарув гуруҳларига бўлинади. Молияни умумий бошқарув субъектларига: Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент

девони ташкил этади. Молия оператив бошқ арув субъектларига: Молия вазирлиги, Давлат солиқ қ умитаси ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари, суғ урта ташкилотлари, хўжалик субъектларининг молия булим (хизмат) лари ташкил этади.

Оператив бошқариш молия тизими аппаратининг бош вазифаси ҳисобланиб: Молия вазирлиги, маҳаллий молиявий бошқариш органлари, корхоналарнинг молиявий хизмат тизимлари киритилади.

Бозор иқ тисодиёти шароитида молияни бошқ аришни илмий асосланган холда, ривожланган хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан ҳ амда республика ичидаги ҳ усусиятларни ҳ исобга олиб ташкил қ илинса мақ садга мувофик бўлади.

Молияни бошқ аришни тугри ташкил қ илиш улардан самарали фойдаланишни белгилаб беради. Биринчи навбатда, молияни бошқариш субъектлари томонидан ишни қ ай йусинда ташкил қ илинганлиги оператив бошқ арув органлари фаолиятига бевосита таъсир қ илади. Ш унга таянган холда молиявий аппаратнинг мавкеи анча юқ ори булиши шарт. Акс холда молиявий тузилма ишчиларнинг малакаси ва мутахасислигига бўлган юқ ори талабни амалга ошира олмайди ва натижада молияни бошқ аришда оқ соқ ликка юз тутуди.

Молияни бошқ аришни қ айта қуришнинг марказий бўғ инларидан бўлиб маҳ аллий - худудий субъектларнинг эркин молия сиёсатини юргизишни таъминлашдир. 2003 йилда маҳаллий бюджетлар даромади давлат даромадининг қ арийиб 60%дан юқ орасини ташкил қ илмоқ да. Мазкур курсаткич молияни бошқ аришдаги илк ижобий натижалар нишонасидир.

Молиявий режалаштиришнинг объекти бўлиб хўжалик субъектлари ва давлатнинг молиявий фаолияти ҳ исобланади. Ҳ ар бир хўжалик субъекти молиявий режасини тузади, яъни бу алоҳ ида муассасанинг смета ҳ аражатларидан тортиб то давлатнинг йиғ ма молия балансигача қ амраб оладиган муҳим жараёндр.

Ҳ ар қ андай молия режасида маълум бир даврга мўлжалланган ҳ амда молия ва кредит тизими билан боғ лик бўлган даромадлар ва ҳ аражатлар аниқ ланади.

Умуман олганда молия тизимининг барча соҳ а ва бўғ инларида, фаолиятидан келиб чиқ иб, молиявий режалар тузилади. Масалан: тижорат асосида фаолият курсатаётган хўжалик субъектлари даромадлар ва ҳ аражатлар баланси, нотижорат асосида фаолият курсатаётган муассасалар эса смета ҳ аражатлари қурилишида молиявий режа тузади.

Молиявий режалаштиришнинг аниқ вазифаларини молия сиёсати аниқ лаб беради. Улар таркибига қ уйидагилар киради: режали топшириқ ларни бажариш учун зарур бўлган молиявий ресурслар миқ дори ва уларнинг манбалари; ҳ аражатларни иқ тисод қ илиш ва даромад резервларини оширишни аниқ лаш; марказлашган ва марказлашмаган фондлар ўртасидаги тақ симлашларни оптимал йўллари қ идириб топиш ва бошқ алар.

Бозор иқ тисодиёти молиявий режалаштиришни рад этмайди. Аммо, бозор муносабатлари режали иқ тисодигга қ араганда режалаштиришни эгилувчан, яъни давр талабига мослаб ўзгартириб боради.

Бошқ аришнинг мохиятини шакллантирувчи қ атор ёндашувлар бизга маълум бўлиб бошқ ариш тизими элементлари сифатида режалаштириш, оператив бошқ ариш ва назорат тизимларини юқ орида кўриб утдик. Масалан, П.Дуркер бошқ аришнинг умумий функциялари кетма кетлигини: режалаштириш, назорат, ташкил қ илиш, коммуникация, мотивация каби элементларини келтиради.

Молиявий режалаштириш бир нечта услубларга таянган холда амалга оширилади. Ш улардан асосийлари бўлиб қ уйидагилар ҳ исобланади:

1. Экстраполяция усули;
2. Норматив усули;
3. Математик моделлаштириш усули.

Экстраполяция усулининг мохияти шундаки, ўтган ҳ исобот даврининг молиявий натижаларидан хулоса чиқ ариб келгуси ҳ исобот йили учун молиявий режани тузишни кузда тутди. Молиявий курсаткичларнинг башорат ва режали ҳ исоб китоблари турли усуллардан фойдаланишга асосланади. Экстраполяция усули молиявий курсаткичлар ва уларнинг динамик ўзгаришларига асосланади. Молиявий курсаткичлар ҳ исобот йилидаги курсаткичлар асосида амалга оширилади.

Норматив усулда, белгиланган норма ва нормативлардан фойдаланиш кузда тутилади. Масалан: бюджет муассасаларида 1-синфда нечта бола уқиши лозим, санаторияда қанча жой булиши керак ва х.к.

Математик моделлаштириш усулида реал иқтисоди ва ижтимоий жараёнларни такрорловчи молиявий моделлар тузиш орқали амалга оширилади. Молиявий ресурсларни манбаларини улардан фойдаланиш билан мувофиқлаштириш асосидаги режалаштириш жараёни баланс усули ҳисобланади.

Хал қ илиниши лозим бўлган вазифаларнинг характериға, мураккаблигига ва даврини узоқ лигига қ араб, молиявий сиёсат:

1. Молиявий стратегия.
2. Молиявий тактика

Молиявий стратегия деб корхонани молиявий ресурслар билан таъминлаш учун тузилган асосий режанинг тарзига айтилади. Корхонани молиявий стратегияси ўз ичига корхонанинг молиявий ахволининг тахлилини асосий ва айланма маблағларини оптималлаштириш, даромадни тақ симлаш, нақ д пулсиз тўлашларни, солиқ ва нархлар сиёсатини, қ имматли қ оғ озлар жараёнидаги сиёсатни олади.

Молиявий стратегия асосий ва оператив булиши мумкин.

Асосий молия стратегияси деб, корхонани фаолиятини аниқ ловчи бюджетни хамма даражасида бўладиган ўзаро муносабатларига, корхонани даромадларини ташкил этиб уни сарфлашга, эхтиёжлик миқ дорини ва бир йилда молиялаштириш манбаларига айтилади.

Оператив молия стратегияни, асосий молиявий стратегиядан фарқ и, у ўз ичига ялпи даромдларни ва маблағ ларни кўпайишини (иш хақ и, сотилган

махсулот учун сотиб олувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш, кредит операцияларидан тушумлар) ва ҳамма ялпи ҳаҷжатларини (таъминловчилар билан ҳисоб-китоб, иш ҳақ и, ҳамма даражадаги бюджетлар ва банклар билан мажбуриятларини узмоқ) олади.

Молиявий стратегия – ижтимоий ва иқтисодий стратегияни белгилаб берган узок истиқболга мўлжалланган ва йирик масштабдаги вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, у молия ривожланишининг асосий концепцияларини ишлаб чиқариш, молиявий муносабатларни ташкил этиш тамойилларини белгилашни кузда тутди. Молиявий стратегия узок муддатли мақсадларни танлаш ва мақсадли дастурларни зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш, уларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг асосий йўналишларида мужассамлаштиради ва кузда тутди.

Молиявий тактика – стратегия белгилаб берган вазифаларни жамият ривожланишининг конкрет босқичида молиявий муносабатларни ташкил этиш усуллари орқали амалга оширади.

Молиявий сиёсат инсон фаолиятининг махсус шакли сифатида усткурма категорияларига таълуқлидир. У билан жамиятнинг иқтисодий базиси орасида чамбарчас боғланган ўзаро боғлиқлик мавжуддир. Бир томондан, молиявий сиёсат иқтисодий муносабатлар орқали вужудга келади, иккинчи томондан, иқтисодий базис асосида вужулга келиб ва ривожланиб, молиявий сиёсат маълум бир мустақилликка эга. Шунинг учун у иқтисодга, молиянинг аҳволига тескари таъсирини ўтказди. Бу таъсир ҳар хил булиши мумкин: бир хил пайтларда сиёсий чора-тадбирларни ўтказиш орқали иқтисодни ривожлантиришга қўлай шарт-шароит яратилади, бошқаларда эса у тусқинлик қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, иқтисодий ривожланишда бозор муносабатларига ўтишда, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби, молия ва молиявий муносабатларда ҳам чуқур ислоҳотларни амалга оширишга тўғри келди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодий стратегия қўйидаги вазифаларни бажаришни кўзда тутди:

1. Маъмурий-бўйруқ бозорлик тизимининг оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
2. Республиканинг ўзига хос шароитлари ва ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

Президентимиз И. Каримов белгилаб берган иқтисодий стратегиядан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиётини биринчи босқичида молия ва солиқ сиёсатининг биринчи даражадаги чора-тадбирлари ва устивор йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлади:

– Барқарор молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети дефицитини иложи борича камайтириш, бюджетдан бериладиган дотация ва субсидияларни барча турларини босқичма-босқич қисқартириб бориш;

– бюджет маблағларини даромад тушгандан кейингина тақсимланадиган йўлдан оғайиб бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учун бюджетдан маблағ ажратиш;

– халқ хўжалиги тармоқ ларини, айрим корхоналарни ривожлантириш учун бюджетдан қ айтириб олмасликни кузда тутиб таъминлаш амалиётидан воз кечиш, ана шу мақ садларда инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;

- солиқ тизимини такомиллаштириш бюджет даромадларини барқ арор суръатда тулаб туришни таъминлайдиган, кичик ва ҳ усусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги қ айта ишлайдиган ва халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқ арадиган қ ушма корхоналарни ривожланишини рағ батлантирадиган солиқ сиёсатини олиб бориш.

2 Молиявий режа ва униг турлари.

Режалаштириш миқ дорий ва сифат тавсифидаги мақ садларни ишлаб чиқ иш ва қ абул қ илиш ҳ амда уларга эришишнинг самарали йўлларини аниқ лаш жараёнларини ўзида акс эттиради. □Мақ садлар дарахти□ шаклида ишлаб чиқ илган мақ садлар бошқ аришнинг мазкур даражасида мухим ҳ исобланган курсаткичлар тизимида ҳ исоб китоблар имконияти бўйича тавсияланади. Режалаштириш жараёнидаги бошқ арув қ арорлари молиявий ахборотларни тахлил қ илиш натижалари асосида қ абул қ илинади.

Макро ва микро даражада молиявий режалаштиришнинг зарурлигини бир қ анча сабаблари мавжуд бўлиб, бизнинг фикримизча, келажакдаги фаолият ва натижаларнинг мавқ умлиги, режанинг йуналтириувчанлик ролини мавжудлиги, иқ тисодий шарт шароитларнинг оптималлаштирилиши ҳ исобланади. Ўзбекистон Республикасидаги ҳ озирги иқ тисодий вазият давлат ва корхоналар молиясидаги режалаштириш жараёнларида маълум мукаммалашувлар амалга оширилиш заруратини келтириб чиқ аради.

Режалаштириш жараёнида юқ орида келтирилган хар қ айси усуллардан фойдаланилади. Масалан, бюджетни режалаштириш жараёнида бир вақ тнинг ўзида экстраполяция усулидан ҳ ам фойдаланилади ва шунингдек бюджет ҳ аражатлари ва даромадларини режалаштиришда уларнинг баланслиги таъминланиши лозим. Ш унинг учун ҳ аражатлар ва даромадларнинг фарқ ларини қ оплаш мақ садида дефицитни молиялаштириш манбалари ҳ ам режалаштирилади.

Молия тизимининг барча бўғ инлари ўзига хос молиявий режага эгадир. Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналарда молиявий режа даромад ва ҳ аражатлар баланси шаклида шакллантирилади.

Молиявий режа корхонанинг даромад ва ҳ аражатларини боғ ловчи олдинган қ ўйилган молиявий мақ садларгша эришиш усулларини тавсифловчи ҳ ужжатдир. Молиявий режалаштириш жараёнида корхонанинг молиявий мақ садлари аниқ ланади, корхонанинг жорий молиявий ҳ олатига ўрнатилган мақ садларнинг мувофиқ келиш даражаси ўрнатилади, ўрнатилган мақ садларга эришишга йўналтирилган фаолият кетма кетлиги шакллантирилади.

Молиявий режа молия тизимининг барча бўғ инларига хосдир. Чунончи, давлат молияси даражасида давлатнинг асосий даромадлари ва ҳ аражатлари баланси сифатида бюджет лойиҳ аси ишлаб чиқ илади ва тасдиқ ланади.

Хўжалик субъектлари даражасида даромадлар ва ҳ аражатлар баланси шаклида молиявий режа тузилади.

Молиявий режалаштириш асосида стратегик ва ишлаб чиқариш режалари ётади.

Стратегик режада корхона фаолияти соҳаларини мақсадлари, вазифалари, масштабларинини шакллантиришни кўзда тутилади. Ишлаб чиқариш режаси стратегик режа асосида тузилади ва ишлаб чиқариш, маркетинг, илмий-тадқиқот ва инвестицион сиёсатни кўзда тутади.

Молиявий режа ўзида корхоналарнинг молиявий мақсадларига эришиш услубларини тавсифловчи ва унинг даромади ва ҳаҷмлари боғлиқлиги ва ушбуларни ўзида акс эттиради. Молиявий режалаштириш жараёнида:

А) корхонанинг молиявий мақсадлари белгиланади; б) мақсадларга қўйилган талабларнинг жорий молиявий ҳолатини мувофиқ келиш даражаси аниқланади; в) ўрнатилган мақсадларга эришишга йўналтирилган ҳаракатлар, тадбирлар кетма-кетлиги шакллантирилади.

Молиявий режанинг 2 асосий тури мавжуд бўлиб улар қисқа ва узок муддатли молиявий режа ҳисобланади. Қисқа муддатли молиявий режанинг мақсади молиявий барқарорлик нуқтаи назаридан корхонанинг кенгайтириш суръатини аниқлаш ҳисобланади. Узок муддатли молиявий режанинг мақсади корхонанинг доимий тулов қобилиятини таъминлаш ҳисобланади.

Молиявий режалаштириш жараёнининг қуйидаги босқичлари ажратилади:

А) корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлил қилинади;

Б) тақвимий смета ва бюджет тузилади;

В) корхонанинг келгусида молиявий ресурсларга умумий эҳтиёжи аниқланади;

Г) молиялаштириш манбаларининг структуралари башорат қилинади;

Д) назорат ва бошқаришнинг мувофиқ келувчи тизими тузилади;

Е) режага ўзгартиришлар киритиш тартиблари ишлаб чиқилади.

Амалиёт нуқтаи назаридан молиявий режанинг бир қанча қуйидаги вариантлари тавсия қилинади: оптимистик, юқори эҳтимолликдаги режалар, пессимистик.

Умумий қурилишда молиявий режа қуйидаги мазмундаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

1. Инвестицион сиёсат: асосий фондларни молиялаштириш сиёсати, номоддий активларни молиялаштириш сиёсати, узок муддатли қўйилмаларга нисбатан сиёсат.

2. Айланма капитални бошқариш: пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағларни бошқариш, ишлаб чиқариш заҳираларини бошқариш, контрагентларга нисбатан сиёсат ва дебиторлик қарзларини бошқариш.

3. Дивидент сиёсати ва молиявий ресурслар манбалари таркиби.

4. Молиявий башоратлаштириш: молиявий шартларнинг тавсифи, корхоналар даромади ва ҳаҷми, молиявий ҳисоботлар башоратлари, пул маблағлари бюджети, капиталга умумий эҳтиёж, ташқи молиялаштиришга эҳтиёж.

5. Ҳисоб сиёсати.

6. Молиявий назорат тизимлари.

Маълумки молиявий режа етарли даражада мураккаб бўлиб корхона инвестиция фаолиятига таъсир этувчи барча молиявий ишлаб чиқариш тавсифидаги омилларни комплекс қамраб олади.

Молиявий режалаштиришда башоратлаштириш муҳим рол ўйнайди. Молиявий менежер реализация ҳажми, маҳсулот тан нарҳини молиялаштириш манбалари, пул оқимлари миқдорини башоратлаштириши зарур. Башоратлаштиришнинг 2 асосий усули ҳозирги пайтда самарали ҳисобланади. Улар: эксперт баҳолаш усули, ситуацион таҳлил ва башоратлаштириш усуллари.

3. Ситуацион таҳлил ва башоратлаштириш усуллари.

Ситуацион таҳлил ва башоратлаштириш усули асосида қаттиқ ёки функционал детерминациялашган боғлиқликни ўрганишга мўлжалланган модел ётади. Бу моделдан фойдаланиш ва унга турли омиллар башорат курсаткичларини қўйиш билан масалан, реализациядан тушум, активларнинг айланувчанлиги, молиявий боғлиқлик даражаси каби курсаткичлар орқали самарадорликнинг асосий курсаткичларидан бири-ҳусусий капитал рентабеллиги курсаткичининг башорат курсаткичларини аниқлаш мумкин.

Режалаштирилаётган лойиҳа бўйича мумкин бўлган натижаларнинг башорати қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\sum_{K_{q1}} P_{kq1}; \quad (1)$$

(1) формула орқали асосий мезонлар аниқланади (масалан, кутилаётган фойдани максималлаштириш)

$$E(R)_{kq1} = \sum_{K_{q1}} R_k * P_k - \max; \quad (2)$$

Мазкур формула орқали корхона учун маълум мезонлар асосида самарали муқобил вариантлар танлаб олиниши мумкин.

Мазкур формулалар асосида \square Фозд \square ҳусусий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳасининг маълум мезонларини кўриб чиқамиз. Корхона қўшимча ишлаб чиқариш воситаларини жалб қилиш учун 2 алтернатив вариантга эга. Бунинг учун М1 станокни ёки М2 станокни сотиб олиш бўйича молиявий қарор қабул қилиш масаласи олдинга ташланди.

М2 станок маҳсулот бирлигига кам чиқим ва даромад кўпроқ келтиради.


7-жадвал.

Курсаткичлар	Доимий ҳаҷражатлар	Маҳсулот бирлигига операцион даромад
М1 станок	15 000	20
М2 станок	21 000	24

Қарорлар дарахти ёрдамида қуйидаги ҳисоб китоблар амалга оширилади.

Молиявий менежер станоклар воситасида ишлаб чиқариладиган йиллик товарларга бўлган талабни ўрганади ва йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш эҳтимоллиги қуйидагича аниқланади:

- X1 қ 1200 бирлик миқдорда 0,4 эҳтимоллик билан;
- X2 қ 2000 бирлик миқдорда 0,6 эҳтимоллик билан;



Юқорида келтирилган чизма маълумотлари асосида ҳар бир лойиҳа бўйича кутилаётган математик даромадни ҳисоблашимиз мумкин:

$$E(R1) = 90000 * 0,4 + 25000 * 0,6 = 18600 \text{ минг сўм};$$

$$E(R2) = 7800 * 0,4 + 2700 * 0,6 = 19320 \text{ минг сўм}.$$

Демак M2 станокни сотиб олиш бўйича кузланган вариант иқтисодий жиҳатидан самаралироқ ҳисобланади.

Мазкур усул менежерларнинг турли соҳаларида фойдали ҳисобланади. Масалан, бошқариш ҳисобида капитал куйилмалар бюджетини тузишда ва усусан, қимматли қўғозлар бозорини таҳлил қилишда самара беради.

Тижорат корхоналарида фаолиятнинг асосий мақсадларидан бири фойда ҳисобланиши билан режалаштириш жараёнида ҳақ режали фойдани аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон республикаси маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиришда ассортимент ҳисоб китоб усулидан кенг фойдаланилади. Реализациядан тушум ва фойдани режалаштириш ассортимент ҳисоб китоб усулида аниқланишининг қуйидаги маълумот асосида кўриб чиқамиз.

Ассортимент ҳисоб китоб усулида товар реализациясидан тушган тушум ва фойдани аниқлаш.

8-жадвал.

Маҳсулотнинг номи	Реализация ҳажми. дона	I донаси улгуржи нархи. сум	Улгуржи нарх реализация ҳажми минг сўм	Битта маҳсулот режали таннархи, сум	Реализация килинган маҳсулот таннархи минг сўм	Режалаштирилган реализациядан фойда, минг сўм.
I-маҳсулот	150000	130	19500	95	18050	1450

2-мах - сулот	40000	300	12000	220	8800	3200
3- маҳ сулот	200000	215	43000	160	32000	11000
Жами	-	-	74500	-	58850	15650

Манба: [А] кичик ишлаб чиқ ариш корхонасининг маълумотлари асосида тайёрланди.

С маҳ сулот ишлаб чиқ ариш ва уни бозорларда сотиш миқ дори ва нархлари реализациядан тушум, маҳ сулот ишлаб чиқ ариш ҳ аражатлари ва фойдани режалаштириш учун асос ҳ исобланади.

Юқ оридаги реализациядан тушум, харажатлар ва фойдани режалаштириш усули аксарият холларда тўғ ридан тўғ ри ҳ исоблаш деб хам аталади. Таҳ лил қ илинаётган корхонада режалаштирилаётган 3 турдаги маҳ сулот бўйича тушум бозор башоратлари асосида 74500 минг сўмни ташкил килади. Маҳ сулот таннархига киритиладиган ҳ аражатлар эса 58850 минг сўм миқ дорда режалаштирилган. Умуман кузатишлар натижасида 3 турдаги маҳ сулотлар асосида ташкил қ илинадиган ишлаб чиқ ариш башорат курсаткичлари 2 ва 3 турдаги маҳсулот кўпроқ фойда олиш имкониятлари мавжудлигини курсатмоқ да. 2 турдаги маҳ сулот ишлаб чиқ ариш бирлигининг камлигига асосий сабаб бозордаги талабнинг қ ондириш имкониятлари ҳ исобга олинган. Албатта мазкур фаолият тури корхона учун сезиларли молиявий ресурсларни жалб қ илишни талаб қ илади. Лойиҳ алар бўйича инвестиция ресурсларини жалб қ илиш ва уларни ишлаб чиқ ариш жараёни учун авансланган капиталга айлантиришда маблағ лар манбалари молиявий ресурсларни шаклантиришга боғ лиқ бўлади. Айни вақ тда бундай молиявий ресурсларни жалб қ илишнинг қ атор молиявий инструментлари мавжудки улар ёрдамида қ арз маблағ ларни корхоналар манфаатлари учун бошқ ариш имкониятлари шаклантирилмоқ да.

Калит сўз ва иборалар: бошқ ариш, муаммо, баҳ олаш, молиявий жиҳ атлар, халқ аро ҳ исоб –китоб, режалаштириш, механизм, экстрополяция, тактика, стратегия, фоиз хатарлари.

Назорат саволлари:

1. Молиявий режалаштириш нима?
2. Молиявий режалаштиришнинг турлари?
3. Ситуацион таҳ лил ва башоратлаштиришнинг қ андай турлари мавжуд?
4. Корхоналарда инвестицион маблағ лардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини айтинг?
5. Инвестицион лойиҳ ани бошқ ариш жараенини тушинтиринг?
6. Корхоналарда инвестицияларни бошқ ариш: замонавий ҳ олати, муаммолари ва уларни ҳ ал қ илиш йўллари айтинг?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. 1992 й
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 апрел 2001 йилдаги «Корхоналар инвестицион фаоллигини рағбатлантириш чоратadbирлари хақида»ги 184-сонли Қарори.
3. Бочаров В.В. Инвестиционный менеджмент. –СПб.: Питер, 2000. –169с.
4. Бочаров В.В. Корпоративные финансы.- СПб.: Питер, 2002.-543 с.

5. Гозибеков Д.Г. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: - «Молия»- 2003 й.-329 б.
6. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодий назарияси. Т.: ТДИУ, 2001.-527б.
7. Herbert V. Mayo- Investments an introducton: Fifth edition, 1997.
- 8.

6. Мавзу. ИНВЕСТИЦИОН РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ.

Режа:

1. Инвестицион рисклар тушунчаси
2. Инвестицион рисклар турлари
3. Лойиҳ авий фаолиятнинг халқ аро характери

1. Лойиҳ авий рисклар- булар инвестицион лойиҳ аларни амалга оширишига таҳ дид солувчи ва уларни самаралигини пасайтирувчи рисклар йиғ индисидир. Рискларни таснифлашда турли хил тузишлар аспектлар мавжуддир:

- Лойиҳ авий имкониятнинг босқ ич ва фойдаларига кўра;
- ЛР иштирокчиларининг риск омиларига таъсир даражаси;
- Рисклардан ҳ имояланиш имкониятлари нуқ та назарига кўра; 1)

Суғ урталанган 2) Суғ урталанмаган.

ЛР ларнинг қ уйидаги турлари бўлиши мумкин:

1. Лойиҳ а иштирокчилар риски;
2. Лойиҳ а юқ ори қ ийматлилиги риски;
3. Лойиҳ анинг бевақ т тўхтатилиш риски;
4. Иш ва обектнинг паст сифатлик риски;
5. Конструктор ва технологик рисклар;
6. Ишлаб чиқ ариш риски;
7. Бошқ арувчилик риски;
8. Ортиқ чилик риски;
9. Молиявий риск;
10. Давлатлараро риск;
11. Маъмурий риск;
12. Ҳук ук ий риск;
13. Форс-мажор риски;

Юқ оридаги рискларнинг ҳ ар бирига алоҳ ида изоҳ бериб чиқ амиз:

1. Лойиҳ а иштирокчилар риски. Лойиҳ а иштирокчиларидан бирининг ўз мажбуриятини ўз вақ тида бажармаслигидир. Натижада бутун бошли лойиҳ а самарасиз бўлиши мумкин. Бу риск олдини олиш лойиҳ а менежери назароти остида бўлади: Бунда

